



ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИ ВА ФЕРМЕР

Искандаров Жалолиддин Ҳамро ўғли

Ўзбекистон Республикаси Ички Ишлар Вазирлиги Академияси
Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти йўналиши 3-босқич
курсанти

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 20-april 2023 yil

Ma'qullandi: 24-april 2023 yil

Nashr qilindi: 27-april 2023 yil

KEY WORDS

ҳуқуқбузарлик, профилактика
инспектори, зарур чора кўриш.
жиноят, маъмурий
ҳуқуқбузарлик, одам савдоси,
экстремизм, маҳалла ва оилани
қўллаб-қувватлаш органлари.

ABSTRACT

*Мазкур мақолада биз профилактика инспектори ва
фермер таҳлилини амалга оширамиз ва
мулоҳазаларимизни баён қиламиз.*

Барчамизга маълумки, Ўзбекистон Республикаси Ички Ишлар Вазирлиги тизимидан ўрин олган Ҳуқуқбузарликлар Профилактикаси таркибига кирувчи профилактика инспектори лавозими жорий этилган бўлиб, ушбу соҳа вакиллари маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш органлари ҳамда фермер хўжаликлари раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарлари билан ҳамкорликни таъминлаш мақсадида улар билан биргаликда маҳалланинг тинчлиги, осойишталиги, барқарорлигини таъминлаш мақсадида кечани-кеча, кундузни-кундуз демай тинимсиз ҳаракат қилиб келмоқда. Фермер хўжаликлари раҳбарлари ва унинг ўринбосарлари фуқароларга ижтимоий, моддий томондан қўмаклашиб келаётганлигини айтадиган бўлсак, профилактика инспекторлари эса, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳуқуқий томондан ёрдам ва қўмак бериб келаётганлиги таҳсинга лойиқ.

Таъкидлаш лозимки, давлатимиз раҳбари ва ҳукуматимиз томонидан ички ишлар органлари фаолиятига юксак эътибор берилаётгани туфайли тизимда беқиёс ўзгаришлар рўй бермоқда. Ички ишлар органи ҳодимлари самарали хизмат қилиши учун ҳавас қилса арзигулик шарт-шароитлар яратиб берилмоқда. Жумладан, Президентимиз ташаббуси билан бевосита аҳоли ўртасида фаолият олиб борадиган профилактика инспекторлари хизмат жойида бўлиши ва ҳудудида яшаши учун ўз хизмат ҳудудларида хизмат уйлари билан таъминланди. Эндиликда улар илгаргидек бошқа туманларда ёки шаҳарларда яшаб, 20 ёки 30 чақирим наридаги хизмат ҳудудларига қатнаётгани йўқ. Яна бир қувонарли ҳолат шуки, ҳар бир профилактика инспекторига имтиёзли кредит асосида енгил автомашина ажратилаётганлиги ҳеч кимга сир эмас. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 08 февраль куни “Ички ишлар органлари ҳодимларини ижтимоий ҳимоя қилиш

тизимини янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ 118-сонли қарори асосида ички ишлар органлари ҳодимларига имтиёзли уйлар, машиналар, кредитлар ва имтиёзли даволанишлар ҳамда кўплаб шарт-шароитлар билан таъминланмоқда.

Жиноятчиликка ва ҳуқуқбузарликка қарши курашда энг муҳим йўл унинг олдини олиш ҳисобланади. Шу боис профилактика инспекторлари профилактик чора-тадбирларни режалаштириб олишган. Бундан ташқари, ҳафтанинг ҳар пайшанба кунини “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси куни” деб эълон қилиниши жойларда профилактик тадбирлар самарадорлигини янада ошириш, аҳоли билан ички ишлар органларининг ҳамкорлигини кучайтириш, ўзаро очиқ мулоқат ва учрашувларни кўпайтириш имкони яратилди. Шу ўринда “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси куни” тадбири профилактика инспекторларини маҳалла, қишлоқ ва овулларда жиноят ва ҳуқуқбузарлик муҳокамаларини қизгин ўтказилиши учун маҳалла фуқаролар йиғини раиси ва бошқа ташкилот раҳбарлари билан ҳамкорлик доирасини кенгайтирибгина қолмай, фуқароларнинг профилактика инспекторига бўлган ишончини янада орттириб бормоқда ва фуқароларга жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг оқибатлари тушунтирилиб келинмоқда. Ўтган даврга назар ташласак, саркарда Жалолиддин Мангуберди, соҳибқирон Амир Темур, шох ва шоир Заҳариддин Муҳаммад Бобур каби ота-бобларимиз халқи, миллати, эл-у юрти учун томирларида сўнги қони қолгунча матонат билан мардонавор курашиб жон берганлар. Биз мустақил юрт фарзандлари ота-боболаримиз каби она ватанда жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олиш мақсадида туну кун тиним билмасдан ўз хиссаларини қўшиб келаётган профилактика инспекторлари борлигини айтиб ўтиш тахсинга сазавордир.

Профилактика инспекторларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари норматив ҳуқуқий ҳужжатларда белгилаб қўйилганлиги ҳеч кимга сир эмас. Унинг мажбуриятлари қуйидагилардан иборат эканлигини айтиб ўтишни жоиз деб топдик. Профилактика инспектори инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, юридик ва жисмоний шахсларнинг мулкини ҳимоя қилиш, шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлаш бўйича ўз ваколатлари доирасида зарур чоралар кўриш; жиноят, маъмурий ҳуқуқбузарлик ёки бошқа ҳодиса содир этиладиган бўлса тун бўлса ҳам, кун бўлса ҳам доимо ҳозир нозир бўлиб воқеа жойга дарҳол етиб келишини таъкидлаб ўтишимиз мумкин. Профилактика инспекторлари ҳуқуқий билимдан ташқари тиббий билимга ҳам эга эканлигини жиноят, маъмурий ҳуқуқбузарлик ёки бошқа ҳодиса содир этилган жойда жабрланган, шунингдек ночор аҳволда қолган фуқароларга биринчи тиббий ёки бошқа турдаги ёрдам кўрсатишидан ҳам билиб олишимиз мумкин. Профилактика инспекторларига мажбурият билан биргаликда ҳуқуқ ҳам берилган бўлиб, ўз ваколатларини амалга оширишда фуқароларнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатларини текширишдан мақсад қидирувда бўлган шахсларни топишда қўл келиши, уларнинг ёнларида тақиқланган буюм ва воситалар мавжуд деб гумон қилишга асослар бўлган тақдирда, шахсий кўрикдан ўтказиш ва уларнинг ашёларини кўздан кечиришдан мақсад жиноят ёки ҳуқуқбузарлик содир этилишининг олди олинган бўлади. Бир сўз билан айтганда, профилактика инспекторлари том маънодаги эл севар тузилмага айланиб бўлди десак муболаға бўлмайди.

Адабиётлар:

1. "Huquqbuzarliklar profilaktikasi va jamoat xavfsizligini ta'minlash sohasida kadrlar tayyorlash tizimini takomillashtirishga doir qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida"gi Prezident Qarori // 2019
2. O'zbekiston Respublikasi Ichki ishlar vazirligi hay'atining kengaytirilgan yig'ilishidagi Prezident Shavkat Mirziyoyevning nutqi // 2021
3. Арипова, А. Х. (2021). Нутқ моҳиятини ташкил этувчи муҳим восита. Scientific progress, 1(6).

